



MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTIDA PEDAGOG- TARBIYACHILAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISHNING PEDAGOGIK MASALALARI



UMAROVA M.M.,

Qo'qon DPI, dotsent

[https://doi.org/10.47689/STARS.](https://doi.org/10.47689/STARS.university-pp165-168)

university-pp165-168

Annotatsiya: Ushbu maqolada har bir pedagog-tarbiyachi pedagogik mahoratga ega bo'lishi, o'z faoliyatida pedagogik texnologiyalarni qo'llay olishi, o'zining kasbiy odobi va bilimi bilan tarbiyalanuvchilar, ota-onalar va hamkasblarining hurmatiga sazovor bo'lishi, pedagogik ijodkorlikning asosiy mohiyati, pedagog-tarbiyachi faoliyatining maqsadi va xarakteri bilan bog'liqligi masalalari asoslab berilgan.

Kalit so'zlar: pedagogik faoliyat, pedagogik ijodkorlik, mas'uliyatlilik, kasbiy odob, kasbiy axloq, pedagogik layoqat, pedagogik mahorat, boshqaruvchilik salohiyati.

Жаҳонда мактабгача таълим ташкилоти нафақат болаларни мактаб таълимига тайёрлаш, балки мустақил ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг муҳим бўғини сифатида эътироф этилмоқда. Малакали кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати шахсни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, унинг ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида намоён бўлишига эришишни назарда тутди. Мазкур ижтимоий талабнинг амалга оширилиши ҳар бир фуқаронинг билим олиш, ижодий қобилиятини намоён этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиши ҳамда муайян касб йўналиши бўйича меҳнат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди [1. С. 45]. Мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг бошланғич бўғинидир. Бу боланинг соғлом, ривожланган шахсини шакллантиришни таъминлайди, ўрганишга бўлган иштиёқини уйғотади, тизимли ўрганишга тайёрлайди. Мактабгача таълимнинг мақсади – болаларни мактабга тайёрлаш, боланинг соғлом, ривожланган, эркин шахсини шакллантириш, унинг қобилиятларини очиб бериш, ўрганишга, тизимли ўрганишга интилишини ривожлантириш [2. С. 89]. Сўнгги йилларда педагогика олий ўқув юртларида педагог-тарбиячиларни тайёрлашни яхшилашга қаратилган кўпгина ишлар амалга оширилди. Чунончи, бўлажак педагог-тарбиячиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш, уларга ихтисосликка оид фанларни чуқур ўргатиш, педагогик маҳоратни эгаллашлари учун зарур шарт-шароит-

ларни яратиш, назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларини ривожлантиришга бўлган эътибор кучайди. Шунингдек, бўлажак педагог-тарбиячиларда педагогика, психология, методикага оид фанларни ўқитиш кўлами кенгайди[3. С. 86].

Бўлажак педагог-тарбиячилар, биринчи навбатда, жисмонан ва руҳан соғлом бўлиши, сўзларни тўғри ва яхши талаффуз қила олиши, мулоҳазакор, вазмин бўлиши лозим. Шунингдек, бўлажак педагог-тарбиячи болаларни севиши, улар билан ишлашга мойил, мулоқотга киришувчан, хушмуомала, кузатувчан, мустақил фикрли, талабчан бўлиши зарур. Бундай касбий сифатларга эга бўлган талаба-ёшлар олий ўқув юртини битиргач, мактабгача таълим ташкилотларида педагог-тарбиячи сифатида самарали фаолият кўрсата оладилар[4. С. 102].

Мактабгача таълим ташкилотида муваффақиятли ишлаши учун ҳар бир педагог-тарбиячи педагогик маҳоратга эга бўлиши ва ўз фаолиятида педагогик технологияларни қўллаш олиши лозим. Педагогик маҳорат соҳиби оз меҳнат сарф қилиб, юқори натижаларга эришади [5. С. 275].

Педагогик лаёқат бўлажак педагог-тарбиячилик фаолиятига тайёрланиш жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Педагогик лаёқат педагогик малакадан фарқ қилади. Малака машқ қилиш, амалиёт даврида ҳосил бўлиб, педагогик лаёқат педагогик фаолият жараёнида намоён бўлади [6. С. 255].

Педагог-тарбиячи касбий ахлоқ меъёрларини чуқур ўзлаштирган бўлиши, уни ўзининг кундалик фаолиятида қўллаш олиши, дунёқараши ва ахлоқий тажрибаси билан қиёслаш билиши лозим. Педагогик такт педагог-тарбиячи ахлоқининг амалий ифодасидир. Педагог-тарбиячининг касбий ахлоқи унинг ўз тарбияланувчиларига берган таълим-тарбияси натижаларида ифодаланади. Педагогик ахлоқнинг асосий тушунчалари умуминсоний ва миллий ахлоқ меъёрларига мос келади [7. С. 166]. Педагогик ахлоқда инсонпарварлик, адолатлилик, виждонлилик, ҳалоллик, эзгулик қабилар устувор аҳамиятга эга.

Педагог-тарбиячи учун масъулиятлилик ҳам муҳим ўрин тутди. Педагог-тарбиячи ўзининг касбий одоби ва билими билан тарбияланувчилар, ота-оналар ва ҳамкасбларининг ҳурматига сазовор бўлади. Педагогик фаолият ўз моҳиятига кўра ижодий характерга эга. Маълумки, инсон олдида муайян муаммо тургандагина у ижод қилишга эҳтиёж сезади [8. С. 366]. Педагог-тарбиячи фаолияти ана шундай ижодкорликни талаб қилади. Педагогик ижодкорликнинг асосий моҳияти педагог-тарбиячи фаолиятининг мақсади ва характери билан боғлиқ. Педагогик фаолият таълим олувчилар шахси, дунёқараши, эътиқоди, онги, ҳулқ-атворини шакллантиришдек умумий мақсадга қаратилган кўплаб педагогик масалаларни ечишдан иборат ҳаракатдир [9. С. 99]. Педагог-тарбиячи фаолиятидаги ижодкорлик ана шу масалаларни ечиш усуллари, уларни ҳал қила олиш йўллари қидириб топишда намоён бўлади.

Педагогик ижодкорликнинг манбаи педагогик тажрибадир. Педагогик тажриба – муаммоли вазиятларни қўя олиш ва уларни тарбияланувчилар билан ҳамкорликда ечишда намоён бўлади. Бунда ҳар бир педагог-тарбиячи таълим технологияларидан унумли фойдалана олиши зарур [10. С. 104].

Интерфаол методлардан олий педагогик таълим жараёнида фойдаланиш профессор-педагог-тарбиячиларлардан фаоллик, педагогик маҳорат, шунингдек, гуруҳларни мақсадга мувофиқ шакллантира олиш лаёқатига эга бўлиш-

ни талаб қилади. Гуруҳларнинг тўғри шаклланмаслиги топшириқ ёки вазифаларнинг тўғри ҳал этилмаслигига сабаб бўлиши мумкин [11. С. 264].

Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, унга асосланиб янги педагогик ходиса ва қонуниятлар очиш ўқув-тарбия жараёни сифатини таъминлайди. Шунингдек, бўлажак педагог-тарбиячиларнинг билиш фаолиятини бошқариш янги кўринишдаги ўқув жараёнини моделлаштириш муаммоларини ечишга имкон беради.

Юқори малакали профессор-педагог-тарбиячиларлар бўлажак педагог-тарбияларни касбий фаолиятга муваффақиятли тайёрлаш билан бир қаторда уларни тадқиқотчилик фаолиятига ҳам йўналтиради.

Фан, техника ва технологияларнинг бугунги тараққиёти профессор-педагоглардан ижодкор бўлиш, фан ютуқларини педагогик ва ахборот технологиялари воситасида бўлажак педагог-тарбиячиларга етказа олишни талаб қилади. Профессор-педагоглар талабаларни тадқиқотчилик фаолиятига йўналтириш давомида улар билан биргаликда зарур далиллар тўплаши, таҳлил қилиши, аниқланган натижалар асосида муайян хулосалар чиқариши лозим. Талабалар ушбу хулосалардан ўзларининг амалий фаолиятларида фойдаланиш жараёнида бўлажак педагог-тарбиячи учун зарур бўлган кўникмалар ва технологияларни эгаллайдилар.

Бўлажак педагог-тарбиячиларнинг касбий тайёргарлигини таъминлашда ўзига хос психологик ҳолатларни ҳам алоҳида ҳисобга олиш лозим. Ҳар қандай касбий фаолият ўзининг педагогик-психологик асосларига эга. Бу асослар касб танлаш, касбий таълим, касбий маърифат, касбий маслаҳат, касбий ривожланиш ҳақидаги қарашларни ўзида мужассамлаштирган. Мазкур соҳадаги илмий тадқиқотларнинг аксарияти касбий ривожланиш узоқ, узлуксиз давом этадиган жараён эканлигини кўрсатиб ўтган [12. С. 155]. Шунингдек, бу жараён касбий меҳнат фаолиятини самарали бошқаришга хизмат қилувчи руҳий янгиланишга асосланиши мутахассислар томонидан эътироф этилган.

Касбий ривожланишнинг асосий кўрсаткичи сифатида касбий лаёқат, яъни билим, кўникма ва малакалар кўрсатиб ўтилган. Шу боис касб танлаш бўйича кенг кўламдаги эмпирик материалларда касбий сифатлар турли хил меҳнат фаолиятига мувофиқ танланган.

Тадқиқотларда таъкидланишича, касбий лаёқат эгаси ўзида бир қатор сифатлар мажмуини эмас, балки уларнинг синтези, функционал аппарати сифатида фаолият муваффақиятини таъминлайди [13. С. 425].

Касбий камолотни белгиловчи асосий психологик омиллар орасида шахснинг индивидуал психологик хусусиятларига алоҳида урғу берилади. Касбий фаолиятга ўтиш узлуксиз, босқичли фаолият бўлиб, таълимда мустақил касбий фаолиятга ўтиш ҳар бир инсоннинг эътиборга молик жиҳатидир. Бугунги шароитда касбий тажриба, мутахассиснинг касбий фаолияти якунлангунга қадар маълум даражада эскириб бормоқда. Шу боис шахснинг ўзига муносиб касб танлашида ҳам бундай ҳолатларнинг таъсири бор [1. С. 405]. Шу сабабли ҳам шахснинг касбни тўғри танлаганлиги, унинг майллари, қизиқишлари, касбий йўналишлари ва тайёргарлиги, касбий установкаларидаги ўзгаришларни мунтазам ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аҳмедова Н.Қ. Раҳбар ва педагог кадрларнинг малака ошириш курсигача ва курсдан кейинги фаолияти мониторингини амалга ошириш // “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури” асосида малака ошириш тизими самарадорлигини оширишнинг долзарб муоммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ХТРХҚТМОМИ, 2008. – 158-159 б.
2. Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 16 декабрдаги “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонуни.
3. Nodirovna, Khushnazarova Mamura. “Theoretical and methodological basis of training of management personnel in the process of higher pedagogical education”. International journal of social science & interdisciplinary research. ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.04 (2022): 171-177.
4. Akbarovna, Abdullajonova Shaxnoza. “Inclusive education and its essence”. International journal of social science & interdisciplinary research. ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.01 (2022): 248-254.
5. Adxam Z. (2021). Педагогические факторы формирования чувства Родины на основе национальных и общечеловеческих ценностей у учащихся начальной школы. Среднеевропейский научный вестник, 17, 284-286. <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.17.814>.
6. Najmiddinova, Rahimova Feruza. “Pedagogical conditions of improvement of social pedagogical activity of students on the basis of multimedia tools”. International journal of social science & interdisciplinary research. ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.07 (2022): 108-112.
7. Erkinovna, Yuldasheva Malohat. “Development of the cognitive activity of future teachers in innovative educational conditions as a social pedagogical necessity”. International journal of social science & interdisciplinary research. ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.04 (2022): 196-199.
8. Abduhafizovna, Melikuziyeva Mavluda, and Yigitaliev Mirzoxid. “Ways to increase the legal knowledge of primary school students”. Web of Scientist: International Scientific Research Journal 3.02 (2022): 124-130.
9. Ключев, Роман Владимирович, et al. «Исследование и анализ показателей надежности отдельных структурных элементов цифровых подстанций». Вести высших учебных заведений Черноземья 1 (2021): 68-79.
10. Umarova M.H. “Ethnic Related Toponyms of The Population in Surkhandarya Region”.
11. Nargiza, Yunusalieva. “Social and moral education of students and development of values”. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 10.1 (2022): 300-305.
12. Ксамидовна, Мамаюсупова Ирода. «Основные критерии для разработки программ обучения конфликтологии». международный журнал социальных наук и междисциплинарных исследований. ISSN: 2277-3630 Импакт-фактор: 7.429 11.06 (2022): 181-184.
13. Abdualiyevich Z.M. O’quvchilarda tayanch kompetensiyalarni shakllantirish asosida ijtimoiy faollikni rivojlantirishning pedagogik asoslari // Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali. – 2022. – С. 330-333.
14. Мриксаитова С., Ерматова Ш. и Ходжаева Н. «Обучение студентов творческому мышлению посредством самостоятельного обучения в высших учебных заведениях является насущной проблемой». Евро-Азиатские конференции. Том 3. – № 1. – 2021.